ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Худойбердиев Яшин Эркин ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси магистратураси тингловчиси подполковник
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20336091

Аннотация: Дунёда жиноятчиликка қарши курашишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жиноятларга доир ахборотларнинг ўзаро алмашинувини тўғри йўлга қўйиш ҳамда бу борада замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш зарурати белгилаб берилмоқда. Ушбу қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги конвенцияларида ўз аксини топган. Кўплаб хорижий мамлакатларда жиноятчиликка қарши курашиш масаласида ахборот технологияларидан унумли фойдаланилаётганлиги шахслар ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилмаслиги, жиноят ишини юритиш муддатларининг қисқариши, процессуал чиқимларнинг камайиши, жиноят-процессуал муносабатларда процесс иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратилиши, шунингдек, терроризм, одам савдоси, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи ва кўплаб бошқа турдаги оғир жиноятларни аниқлаш ва уларни фош этиш ҳамда айбдор шахсларнинг айби тўлиқ исботланишига хизмат қилмоқда.

Жаҳонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини рақамлаштириш орқали уларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, тез ва тўлиқ фош этиш ҳамда шу йўл билан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва жиноят иши бўйича терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш, тергов органлари қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномаларини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишида юбориш, сўроқ қилиш тергов ҳаракати натижаларини соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш, шунингдек, жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкини хатлаш, қидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўз вақтида амалга ошириш, хорижий мамлакатлар ҳудудларидаги гувоҳлар ва жабрланувчилардан тушунтиришлар олиш ҳамда улар иштирокида тергов ҳаракатларини видеоконференсалоқа режимида ўтказишни йўлга қўйиш зарурати билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.[1]

Калит сўзлар: Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика, электрон жиноят иши, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, видеоконференсалоқа, ҳужжатларнинг идоралараро электрон айланмаси ва электрон назорат.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб электрон ҳисоблаш машиналарининг пайдо бўлиши ва жамиятда улардан ишлаб чиқариш ҳамда иш юртишда фойдалана бошланиши

натижасида, ҳужжатларни электрон шаклда тузиш, ҳужжатдаги баъзи орфографик ёки грамматик хатоларни уни нашр қилмасдан аввал тўғирлаш имконини берди. Мазкур имконият натижасида жиноят протсесси давомида ҳужжатларнинг янада тез ва сифатли расмийлаштирилишига ҳамда уларни электрон кўринишда сақлаш, бир вақтнинг ўзида бир неча нусхаларда нашр этишга, шу билан бирга ҳужжатларнинг электрон кўринишидаги ҳужжатлардан, қолаверса кейинчалик улардан архив маълумотлар сифатида фойдаланиш имкониятлари пайдо бўлди.

Ўз навбатида электрон ҳисоблаш машиналари ортидан замонавий компютер ва гаджетларнинг иҳтироси ҳамда интернет бутунжаҳон ахборот тармоғининг жамиятнинг барча соҳаларига кенг кириб бориши қайсидир маънода протсессуал ҳужжатларни тузишда макон ва замон чегараларини йўқолишига олиб келди.

Мисол учун, ЖПКнинг 91^1–91^4-моддалари талабларига кўра, терговчи баъзи процессуал ҳаракатларни ВКА воситалари республиканинг исталган ҳудудида туриб, унинг исталган бошқа ҳудудидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган орқали махсус оптик алоқа линияси ёрдамида реал вақт режимида ўтказиш имкониятини вужудга келтирди.[2]

Яна бир эътиборга олиниши лозим бўлган масалалардан бири – бу жиноят иши ёки терговга қадар текширув материалларни электрон кўринишда юритилишидир.

Мазкур масала илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-протсессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 14.05.2018-йилдаги ПҚ-3723-сон қарори доирасида кун тартибига қўйилган эди. Унга кўра, Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида “Электрон жиноят иши” дастлабки лойиҳаси амалга киритилиши белгиланган эди. Шунга кўра, қайд этилган туманларда жиноят ишларини бир вақтнинг ўзида ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклларидан фойдаланилаган ҳолда амалга оширилди.

Бироқ, бу жараён ҳимояланган тизим орқали амалга оширилиши лозимлиги ва бошқа бир қатор тўсиқ бўлувчи бир қатор омилларнинг юзага келганлиги, жумладан:

– электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш учун дастлабки лойиҳа иштирокчилари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва базалари “Электрон жиноят иши” ахборот тизимига интеграция қилинмаганлиги;

– иш ўринларини жиҳозлаш, ички локал-ҳисоблаш тармоқларини ташкил этишни молиялаштириш қайси манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланмаганлиги;

Маълумот учун: *“Электрон жиноят иши” тизимини ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида хизмат олиб бораётган ходимлар иш фаолиятига татбиқ этишда дастурий воситалар ва техник қурилмалар харид қилиш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра жами 18 млрд. 84 млн. сўмдан ортиқ маблағ талаб этилган.*

– статистик ҳисоботларни автоматик тарзда шакллантириш, тегишли параметрлар асосида ҳисобот рўйхатлари тайёрлаш, сўровномалар асосида бошқа маълумотларни олиш юзасидан ички ишлар органларининг юқори турувчи соҳавий хизматларига назорат тизими жорий этилмаган ва синовдан ўтказилмаганлиги каби бошқа сабаблар, уни ўз вақтида ишга тушиб кетиш имкониятини бермади.

Хозиргу кунда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, тергов соҳасига ахборот технологиялари, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида тергов хизматида бир қатор ислоҳотлар олиб борилди.

Тергов бўлинмаларида сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек тергов ҳаракатларини аудио-ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилиб, фойдаланилмоқда. Илғор хорижий давлатларнинг инновацион ёндашув асосида ҳуқуқшуносларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва касбий маҳоратини ошириш борасидаги тажрибаси ўрганилиб, барча тергов бошқармаларида “Инновацион виртуал тергов полигони” ташкил этилди. Тергов департаментининг “тергов.уз” расмий веб-сайти ишга туширилиб, “телеграм”, “инстаграм” ва “фасебоок” ижтимоий тармоқларида ҳамда “ёу тубе”

сайтида саҳифалари очилди. Шахснинг ҳуқуқини чеклайдиган процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритиб бориш амалиёти жорий қилинди. Бу тизимнинг амалиётга жорий этилиши жиноят процесси иштирокчилари бўлган гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга нисбатан уларнинг ҳуқуқини чеклайдиган процессуал мажбурлов чоралари қўлланилишининг электрон ҳисоби юритилишига, уларни онлайн назорат қилишга имкон яратди. Ҳозирда жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимида шахсга нисбатан ушлаб туриш, уй қамоғи, қамоққа олиш, лавозимдан четлаштириш, тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини электрон ҳисобга олиш имконини берувчи модулга маълумотлар киритиб борилмоқда. Тергов департаменти ҳамда ҳудудий тергов бўлинмаларининг тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш мўлжалланган хизмат хоналари видеокузатув ҳамда овоз ёзиш мосламалари билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг видеоконференцалоқа тизим орқали тергов ҳаракатларида иштирок этишини ташкил этиш мақсадида, тергов бўлинмаларини “УЗТЕЛЕСОМ” АК томонидан тақдим қилинган видеоконференцалоқа платформасига уланиши таъминланди. Тергов департаментининг бошлиғи билан тўғридан-тўғри электрон тарзда боғланиш имкониятига эга бўлган янги платформа яратилди.

Ушбу тизим орқали фуқаролар билан шаффоф мулоқот йўлга қўйилмоқда, энг асосийси фуқароларнинг узоқ йўл босиб сарсон бўлишлари олди олинди. Тергов департаменти раҳбарияти ҳамда ҳар бир тергов раҳбарларининг лавозими ва телефон рақамлари ёзилган маълумотлар (пештахталар) прокуратура, суд, ҳокимият органлари, халқ қабулхоналари ҳамда ички ишлар органлари маъмурий биноларининг кириш жойларига ўрнатилди ва бу каби маълумотлар доимий равишда янгиланиб борилмоқда. Тергов департаментининг бошлиғи билан тўғридан-тўғри электрон тарзда боғланиш имкониятига эга бўлган янги платформа яратилди. Ушбу тизим орқали фуқаролар билан шаффоф мулоқот йўлга қўйилмоқда, энг асосийси фуқароларнинг узоқ йўл босиб сарсон бўлишлари олди олинди. Тергов департаменти раҳбарияти ҳамда ҳар бир тергов раҳбарларининг лавозими ва телефон рақамлари ёзилган маълумотлар (пештахталар) прокуратура, суд, ҳокимият органлари, халқ қабулхоналари ҳамда ички ишлар органлари маъмурий биноларининг кириш жойларига ўрнатилди ва бу каби маълумотлар доимий равишда янгиланиб борилмоқда.

Замон шиддат билан ривожланиб бораётганли ва унда ахборот технологиялари ажралмас бир воситага айланиб улгурганлигини инобатга олиб, жиноят процессининг келажагига прагматик ёндашган ҳолда, ушбу жараён келгусида ахборот технологиялари билан тўлиқ қамраб олиниши, керак бўлса айрим процессуал ҳаракатлар сунъий интелектдан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши даражасига етиб боради албатта. Бунинг учун эса жиноят-процессуал қонунчилиги замон ва маконга ҳамоҳанг равишда ривожланиб бориши ҳам талаб этилади. Шунингдек, тергов бўлинмаларини ҳам процессуал харакатларни ўтказиш учун зарур техник восита ва анжомлар билан жиҳозлашни тақозо этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ишни судга қадар юритиш босқичида ахборот технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш. дес. иши. С.Орипов.
2. Григорьев А. Н. Теоретические аспекты информации и ее защиты в предварительном расследовании преступлений: Дис. ... канд. юрид. наук. Калининград, 2017. С. 24; Зуев

С. В. Информационное обеспечение уголовного процесса: Дис.... канд. юрид. наук. Омск, 2015. С. 6.

3. Егоров В.А. Организация правоохранительной деятельности с использованием информационных технологий: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Саратов, 2007. С. 7; Калиновский К. Б. Проблемы правового регулирования информационного пространства в сфере уголовного судопроизводства // Актуальные проблемы безопасности информационного пространства: материалы Всерос. науч.-практ. конф. Санкт-Петербург, 5-8 окт. 1999 года / Под общ. ред. В. П. Сальникова. СПб., 1999. С. 63-65.
4. https://en.wiktionary.org/wiki/%D8%A3%D8%AE%D8%A8%D8%A7%D8%B1 (мурожаат вақти: 23.06.2023)
5. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D1%84%D0%BE%D1%80%D0%BC%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F (мурожаат вақти: 01.09.2021)
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти ҳисоботларидан
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт криминалистика бош маркази ҳисоботларидан
8. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни 5-моддаси.// https://lex.uz/uz/docs/1650792 ҳттп://www.статиста.сом/ (Тҳе Статистисс Портал).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 15.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон Қарори.// https://lex.uz/uz/docs/3735818